



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

9 (83) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ

А.А. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА

А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

М.А. АБДУЛЛАЕВА

Х.А. АБДУМАДЖИДОВ

Б.З. АБДУСАМАТОВ

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

Ш.Э. АМОНОВ

Ш.М. АХМЕДОВ

Ю.М. АХМЕДОВ

С.М. АХМЕДОВА

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА

Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е.А. БЕРДИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ДЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

А.А. ДЖАЛИЛОВ

Н.Н. ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С. ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

А.С. ИЛЬЯСОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

А.М. МАННАНОВ

Д.М. МУСАЕВА

Т.С. МУСАЕВ

М.Р. МИРЗОЕВА

Ф.Г. НАЗИРОВ

Н.А. НУРАЛИЕВА

Ф.С. ОРИПОВ

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ

Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИБОЕВ

С.А. ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Ш.Т. САЛИМОВ

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

Б.Б. ХАСАНОВ

Д.А. ХАСАНОВА

Б.З. ХАМДАМОВ

А.М. ШАМСИЕВ

А.К. ШАДМАНОВ

Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х. ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ

М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)

DONG JINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)

В.А. МИТИШ (Россия)

В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия)

А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)

С.Н ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)

Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)

Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)

Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

www.bsmi.uz
<https://newdaymedicine.com> E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

2025
сентябрь

Received: 20.08.2025, Accepted: 06.09.2025, Published: 10.09.2025

УҚҚ 611,651,018-053,18

**ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ 1 - 3 ОЙЛИК ДАВРИДА БАЧАДОН НАЙЛАРИ
ГИСТОТОПОГРАФИК ТУЗИЛИШИННИНГ ДИНАМИКАДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

Боқаева Феруза Мақсудовна <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Алфраганус университети, Ўзбекистон, Шаҳар: Тошкент, туман: Юнусобод, кўч. Юқори
Корақамиш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ **Резюме**

Ушбу илмий изланишида чақалоқларнинг эрта постнатал даврида яъни 1-3-6-9 ойлигига бачадон нати жаси гистотопография тузилишишида юз берадиган ўзгаришилар ўрганилган. Тадқиқот обьекти сифатида 21 та қиз чақалоқларнинг (30 кунлик (11 та) ва 3 ойлик (10 та)) даврларида бачадон нати жаси 4 та: воронка, ампула, истмик ва бачанга ёндоши қисмлари ўрганилган. Тадқиқот нати жаслари кўрсатдики, чақалоқлар эрта постнатал даврида бачадон нати жаси бачадонга туташган қисмининг девори кам таомил топган хужайралардан иборат мушак қавати ҳисобига қалин, ички бўшилиги тор, унда сўргичлари кам ва калта, юзаси яхши шаклланмаган гиперхромли, призматик шаклдаги эпителий билан қопланганилиги аниқланади. Нати жасининг ўрта истмик қисми девори нисбатан юпқароқ мушак қавати бетартиб жойлашган тутамлардан иборат, қопловчи эпителийси цилиндрическин хужайралардан ташкил топганлиги ва улар бевосита мушак тутамларида жойлашганлиги кузатилади. Нати жасининг ампула қисми девори нисбатан яна ҳам юпқа, мушак қавати бир қатор мушак тутамларидан иборат, қон томирга бой тузилишига эгалиги, шиллиқ пардасида нисбатан узун сўргичлар мавжудлиги, қопловчи эпителийси кам таомил топган, гиперхромли, бетартиб жойлашган бир қаватли цилиндрик эпителийдан иборатлиги аниқланади.

Калит сўзлар: Чакалоқ, қиз, постнатал, 1 ва 3 ойлик, бачадон, нати, гистотопография.

CHANGES IN THE DYNAMICS OF THE HISTOTOPOGRAPHIC STRUCTURE OF THE FALLING TUBE IN THE PERIOD OF 1-3 MONTHS OF GIRLS

Baqoyeva Feruza Maqsudovna <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Alfraganus University, Uzbekistan, City: Tashkent, district: Yunusobod, street. Yuqori
Karakamish, 2A <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ **Resume**

This scientific study studied the changes in the histotopographic structure of the fallopian tube in infants in the early postnatal period, i.e. at 1-3-6-9 months of age. The object of the study was the study of 21 female infants (30 days (11) and 3 months (10)) at the age of 30 days (11) and 3 months (10)) and 4 parts of the fallopian tube: funnel, ampulla, isthmus and adjacent to the uterus. The results of the study showed that in the early postnatal period of infants, the wall of the part of the fallopian tube adjacent to the uterus is thick due to the muscular layer consisting of poorly developed cells, the internal cavity is narrow, there are few and short nipples in it, and the surface is covered with hyperchromic, prismatic epithelium with an ill-formed surface. The wall of the middle isthmus of the tube consists of a relatively thin muscular layer consisting of irregularly arranged tufts, and the covering epithelium is formed by cylindrical cells and they are located directly on the muscular tufts. The wall of the ampoule part of the tube is relatively thin, the muscle layer consists of a number of muscle bundles, it has a structure rich in blood vessels, there are relatively long suckers in the mucous membrane, it is determined that the covering epithelium consists of a poorly developed, hyperchromic, irregularly located one-layer cylindrical epithelium.

Key words: Baby, girl, postnatal, 1 and 3 months, uterus, tube, histotopography.



ИЗМЕНЕНИЯ В ДИНАМИКЕ ГИСТОТОПОГРАФИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ МАТОЧНОЙ ТРУБЫ У ДЕВОЧЕК В ПЕРИОД 1–3 МЕСЯЦЕВ ЖИЗНИ

Бакоева Феруза Максудовна <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Университет «Альфаганус», Узбекистан, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Юкори Каракамыш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ Резюме

В данном научном исследовании изучались изменения гистотопографической структуры маточной трубы у детей раннего постнатального периода, т.е. в возрасте 1–3–6–9 месяцев. Объектом исследования явилось изучение 21 девочки (30 дней (11) и 3 месяцев (10)) в возрасте 30 дней (11) и 3 месяцев (10)) и 4 частей маточной трубы: воронки, ампулы, перешейка и прилегающей к матке. Результаты исследования показали, что в раннем постнатальном периоде у младенцев стенка части маточной трубы, прилегающей к матке, толстая за счет мышечного слоя, состоящего из слабо развитых клеток, внутренняя полость узкая, в ней немногочисленные и короткие сосочки, а поверхность покрыта гиперхромным, призматическим эпителием с плохо сформированной поверхностью. Стенка средней части перешейка трубы состоит из относительно тонкого мышечного слоя, состоящего из беспорядочно расположенных пучков, а покровный эпителий образован цилиндрическими клетками и расположен непосредственно на мышечных пучках. Стенка ампульной части трубы относительно тонкая, мышечный слой состоит из множества мышечных пучков, имеет богатую кровеносными сосудами структуру, в слизистой оболочке имеются относительно длинные присоски, определяется, что покровный эпителий представлен слабо развитым, гиперхромным, неравномерно расположенным однослоистым цилиндрическим эпителием.

Ключевые слова: Ребенок, девочка, постнатальный, 1 и 3 месяца, матка, труба, гистотопография.

Муаммонинг долзарблиги

Маълумки, жинсий тизим аъзоларининг такомил топиши долзарб муаммо ҳисобланади. Кориничи ва постнатал онтогенезда бачадон найи гистотопографиясининг ўзига хослиги хақидаги маълумотлар энг қизиқ масала ҳисобланади (4,5,6). Адабиёт маълумотлари бўйича бачадон найи анатомик ўлчамалари, деворининг гистологик тузилиши ва таркиби ҳам ҳомила даврида, ҳам постнатал даврда ўзгариб боради. Айниқса бачадон найи девори қалинлиги дистал ампула қисмидан бачадонга яқинлашган сари қалинлашиб боради. Бунда девори қалинлигининг асосий қисмини мушак қавати ташкил қиласди. Мушак қаватининг айланана мушак тутам қалинлиги, бўйлама мушак тутами қалинлигидан устунлик қиласди. Ҳомила даврида бачадон найи истмик қисмининг шиллиқ пардаси қалин, ампула қисми шиллиқ пардаси юпқалиги тадқиқотларда тасдиқланган. Бачадон найлари мюллер каналларидан пайдо бўлади. Энбрионнинг 6 ҳафталигига бачадон найига асос қўйилади, яъни мезонефрон каналидан целемик эпителий инвагинацияланишидан бошланади. Ҳар бир мюллер канали каудал тўмтоқ чети мезонефрона қараб ўсади ва найнинг ички бўшлигини пайдо қиласди (4, 5, 6). Ҳар бир найча ҳомила ичи даврининг 3 ойлигига урогенитал синусга туташади, кейин мюллер каналларининг краиал қисми фаллопий найига айланади ва целемик бўшлиқга очилади. Кейинги ривожланиш жараённида бачадон найида 4 та қисм ташкил топади: бачадонга туташган интрамурал қисми, бўйин, ампула ва кенгайган воронка. Охирги 3 та қисми бачадондан ташқаридаги тузилмалар ҳисобланади, яъни мезосальпинкс кўриннишида перитонеал бойлам билан боғланган бўлади (7, 8).

Илмий тадқиқотлар кўрсатишича, аёллар ёш динамикаси бўйича, асосан ўсмирлик даврида бачадон найчаларида шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларида склеротик, атрофик ва гиперпластик каби жараёнлар ривожланиши тасдиқланган. Чақалоқларнинг эрта постнатал даврида бачадон найи гистотопография тузилишида юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш муҳим долзарб муаммо ҳисобланади.


Тадқиқот мақсади: қиз болаларнинг 1 - 3 ойлик даврида бачадон найлари гистотопографик тузилишининг динамикадаги ўзгаришларини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари


Тадқиқот объекти сифатида 21та қиз чақалоқларнинг 30 кунлик (11та) ва 3 ойлик (10 та) даврларида бачадон найчаларининг 4 та: воронка, ампула, истмик ва бачанга ёндош қисмларидан материал олинди. Бўлакчалар 10% нейтралланган формалинда 48 соат давомида қотирилди. Концентрацияси ошиб борувчи спиртлар ва хлороформларда сувсизлантирилиб, кейин воск қўшилган парафин қуилиб, ғишчалар тайёрланди. Ғишчалардан қалинлиги 4-5 мкм бўлган гистологик кесмалар тайёрланиб, гематоксилин ва эозинда бўялди. Гистологик препаратлар ёруғлик микроскопида ўрганилиб, маълумотларга бой соҳаларидан расмлар туширилди.

Тадқиқот натижа ва таҳлиллари

Найчанинг бачадонга туташган қисмини микроскопик текшириш шуни кўрсатди, янги туғилган чақалоқларда бу қисмнинг ички бўшлиғи нисбатан тор, ундаги шиллик парда сўргичлари кам сонли, ҳар бири алоҳида якка сўргичдан иборат. Шиллик парда сўргичларининг юзаси бир қаватли тўлиқ такомил топмаган, нисбатан гиперхром, бетартиб жойлашган, айrim соҳаларида 2-3 каторли тузилишга эга эпителийдан иборатлиги аниқланади. Найча бўшлиғи деворининг сўргичсиз жойлари бир қаватли, ҳар хил баландликдаги гиперхром цилиндрик эпителийдан ташкил топганлиги топилади. Шиллик парда сўргичлари стромасига мушак қаватдан силлиқ мушак тутамлари кириб борганлиги аниқланади. Бачадон найи девори мушак қавати 1 ойлик чақалоқларда зич жойлашган, нисбатан етилмаган, яъни ҳам ядроси, ҳам саркоплазмаси гиперхром бўялган мушак ҳужайралардан иборатлиги аниқланади (1-расм). Ушбу мушак ҳужайралари найча деворида ички қатламлари айлана бўйлаб, ўрта ва ташки қатламлари бироз қийшайган йўналишда жойлашиб, ҳужайраларга бой мушак тутамларини пайдо қилганлиги аниқланади. Тутамлар орасида ядролари гиперхром бўялган гистиоцитар ва миобластли ҳужайралар тўплами жойлашганлиги кузатилади. Мушак қаватининг ташки қатлами ва ташки бириктирувчи тўқимали сероз пардасида кўп сонли, нисбатан йирик қон томирлар жойлашганлиги аниқланади.



1-расм. Чақалоқнинг 24 кунлик даври, бачадон найи бачадонга туташган қисми. Ички бўшлиғи тор, девори муак қават ҳисобига қалин. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.




2-расм. Чақалоқнинг 30 кунлик даври, бачадон найи истмик қисми, қопловчи эпителийси етилмаган цилиндрик шаклда, шушак қавати бетартиб жойлашган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40

Бачадон найчасининг ўрта истмик қисми гистотопографик тузилишини ўрганиш шуни кўрсатди, бу соҳанинг гистологик тузилиши бачадонга туташган қисмдан фарқ қилиши аниқланади. Бу истмик қисмнинг ички бўшлиғи нисбатан кенроқ, шиллик пардасида кўп сонли, ҳар бири битта сўргичдан иборат ворсинкалардан ташкил топганлиги кузатилади. Шиллик



парданинг сўргичларини қоплаган эпителий истмик қисмдан фарқли ўлароқ, бўйи узунроқ цилиндрик эпителийдан иборатлиги тасдиқланади. Бу эпителийнинг нозиклиги ва кам такомил топганлиги унинг ядроси чўзинчоқ ва гиперхромлиги, айрим соҳаларида сийрак жойлашганлиги билан тасдиқланади (2-расм). Ушбу қопловчи эпителий олдинги истмик қисмга ўхшаб, бевосита силлиқ мушак ҳужайралар тутамларида жойлашганлиги аниқланади. Шунинг учун, қонловчи эпителий остидаги силлиқ мушак ҳужайралари нисбатан чўзинчоқ шаклли, миофibrилла толалари зич ва эозин билан тўқ бўялганлиги, шиллик парда бўйлаб жойлашганлиги ва сўргичларга кириб бориб, стромасини пайдо қилганлиги кузатилади. Бачадон найининг бу ўрта қисми деворининг мушак қавати бачадонга туташган қисмга нисбатан энсизроқ ва сийрак жойлашганлиги аниқланади. Ушбу мушак қаватда, силлиқ мушак ҳужайралари ҳар хил йўналишда жойлашган тутамларни пайдо қилганлиги аниқланади. Шунинг учун гистологик кесмада силлиқ мушак ҳужайралар ядроларининг ҳам бўйлама ҳам кўндаланг кесмалари мавжудлиги топилади.

Морфологик текширув натижалари шуни кўрсатди, чақалоқларнинг ilk бир ойлик даврида бачадон найчаси ампула қисмининг девори олдинги ёзиб кўрсатилган иккала қисм девори тузилишидан тубдан фарқ қилиши аниқланди. Бу қисмда шиллик парда ва ундаги сўргичлари кучли ривожланганлиги, мушак қавати анча юпқалиги, сероз пардаси шишли шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборатлиги аниқланади. Шиллик пардасидаги сўргичлар сезиларли даражада узун, тармоқланган тузилишга эгалиги ва нисбатан зич жойлашганлиги кузатилади (3-расм). Ушбу сўргичлар юзаси бир қаватли, жуда гиперхромли цилиндрик эпителийдан иборатлиги аниқланади. Бу ҳужайраларнинг ядролари нисбатан йирик ва гиперхромли бўлганлигидан, умумий ҳолда сўргичлар юзасидаги қоплама тўқ сиёҳ рангга бўялганлиги ва уларнинг кам такомил топганлигини тасдиқлайди. Сўргичлар стромаси олдинги қисмлардан фарқ қилиб, нисбатан юпқа, силлиқ мушак ҳужайралар тутамларидан ва уларнинг орасида шаклланмаган бириктирувчи тўқима тутамлари пайдо бўлганлиги аниқланади. Бачадон найи деворининг мушак қатлами бир ойлик чақалоқларда олдинги бачадонга туташган ва ўрта қисмларидан фарқли ўлароқ, анча юпқалиги, силлиқ мушак тутамлари ингичкалиги ва асосан найча деворида айлана йўналишда жойлашганлиги аниқланади. Бачадон найчаси девори мушак қавати ампула қисмida бошқа қисмларга нисбатан қон томирларга бойлиги топилади. Мушак тутамлари орасида ҳар хил катталақдаги ҳам артерия, ҳам веноз қон томирлар жойлашганлиги кузатилади. Найча девори ташки сероз пардасида нисбатан йирик қон томирлар ўрин эгаллаганлиги тасдиқланади.

	
<p>3-расм. Чақалоқнинг 30 кунлик даври, бачадон найи ампулақисми, бўшлиғи кенг, сўргичлари узун, мушак қавати юпқа. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.</p>	<p>4-расм. Чақалоқнинг 3 ойлик даври. Найнинг бачадонга туташган қисми, ички бўшлиғи бироз кенгайган, сўргичлари тармоқланган, мушак қавати тутамларга ажralган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.</p>

З ойлик қиз чақалоқлар бичадон найчаси микроскопик текширилганда қуйидаги ўзига хос гистотопографик тузилишга эгалиги кузатилди. Морфологик текширув натижалари шуни



күрсатдик, қизча чақалоқлар 3 ойлик даврида бачадон найчаси бачадонга туташган қисми 1 ойлик даврдан гистотопографик тузилишида юз берган ўзгаришлар билан фарқ қилиши аниқланди. Бачадон найчаси ички бўшлиғи бироз кенгайгандиги, уни қоплаган шиллик парда таркибидаги сўргичлар узунлашиб, тармоқланганлиги кузатилади. Сўргичларни қоплаган эпителийси 1 ойлиқдан фарқли ўлароқ зичлашиб, бўялиши тўқлашганлиги ва эпителий хужайраларининг бўйи бироз чўзилганлиги аниқланади. Сўргичлар стромаси юпқалашганлиги ва силлиқ мушак хужайраларнинг алоғида тутамидан ташкил топганлиги топилади. Йирик сўргичлар орасида янги ташкил топган ўлчамлари калта сўргичлар пайдо бўлганлиги аниқланади. Бачадон найчаси деворининг мушак қавати 1 ойлик даврдагидан фарқли ўлароқ бироз сийраклашганлиги, силлиқ мушак хужайраларининг тутамлари нисбатан аниқ тузилишга кирганлиги, орасидаги ёш гистиоцитар ва миобластли хужайралар тўплами миқдори камайганлиги кузатилади. Мушак қаватини микроскопнинг катта объективида ўрганилганда аниқланадики, 1 ойлик даврдан фарқли ўлароқ, силлиқ мушак хужайралари нисбатан такомил топганлиги, ўлчамлари йириклишганлиги, аксарияти ўзига хос тартибга кириб, бир томонга караб ўйналишда жойлашганлиги аниқланади (5-расм). Бачадон найчаси деворидаги йирик қон томирлар найчанинг бир поюсида жойлашганлиги, бошқа соҳаларида қон томирлар майда ва сийрак ҳолда ўрин эгаллаганлиги аниқланади. Ташки бириктирувчи тўқимали сероз пардаси 1 ойлик даврдан фарқ қилиб, бироз қалинлашганлиги ва бириктирувчи тўқима таркибида толали тузилмалари миқдори кўпайганлиги аниқланади.

	
<p>5-расм. Чақалоқнинг 3 ойлик даври. Найнинг бачадонга туташган қисми, мушак қавати қалин, хужайралари йириклишеб, бетартиб жойлашган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x100.</p>	<p>6-расм. Чақалоқнинг 3 ойлик даври, бачадон найи ўрта истмик қисми. Сўргичлари ўсиб, тармоқланган, қопловчи эпителийси тўқ бўялган, мушак қавати айлана ўйналишдаги тутамларни пайдо қилган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.</p>

З ойлик даврда бачадон найчасининг ўрта истмик қисми ички бўшлиғи нисбатан кенгайгани, шиллик пардасида 1 ойлик даврдан фарқи, кўп сонли, ҳар томонга тармоқланган сўргичлардан иборат ворсинкалардан ташкил топганлиги кузатилади. Шиллик парданинг сўргичларини қоплаган эпителий олдинги даврдан фарқли ўлароқ, бўйи узунлашиб, гиперхромли цилиндрик эпителийдан иборатлиги тасдиқланади (6-расм). Бу эпителийнинг нозиклиги ва кам такомил топганлиги унинг ядроси чўзинчоқ ва гиперхромлиги, айрим соҳаларида сийрак жойлашганлиги билан тасдиқланади. Ушбу қопловчи эпителий сўргичлари стромасида силлиқ мушак хужайралари билан бирга бириктирувчи тўқима тутамлари жойлашганлиги аниқланади. Шунинг учун, қонловчи эпителий остидаги силлиқ мушак хужайралари нисбатан чўзинчоқ шаклли, миофибрilla толалари зич ва эозин билан тўқ бўялганлиги, шиллик парда бўйлаб жойлашганлиги ва сўргичларга кириб бориб, стромасини пайдо қилганлиги кузатилади. Бачадон найининг бу ўрта қисми деворининг мушак қавати бачадонга туташган қисмга нисбатан энсиз қатламдалиги сақланиб қолган ва сийрак жойлашганлиги аниқланади. Ушбу мушак қаватда, олдинги даврга нисбатан силлиқ мушак хужайралари тартиб билан алоҳида-алоҳида тутамларни пайдо қилганлиги аниқланади.

Бачадон найи истмик қисми шиллик парда сүргичларини микроскопнинг катта объективида ўрганилганда шу ҳолат аниқландики, қопловчи эпителий қатори ҳар хил даражада такомил топган, бири думалоқ, бошқаси призматик ва яна бири цилиндрик шаклли хужайралардан иборатлиги кузатилди. Бу эпителий хужайраларининг ядролари ҳам ҳар хил катталиқда, хроматини нозик, гетерохроматини кариолеммага яқин жойлашган, эухроматини вакуоллашган ҳолатда (7-расм), бу турдаги гистотопографик тузилиш эпителий хужайраларининг кам такомил топганлигини кўрсатади. Сүргич стромаси ҳам шаклланмаган бириттирувчи тўқимадан иборатлиги, унда ёш фибробласт ва гистиобластлар жойлашганлиги, орасида силлик мушак хужайралари ҳам ўрин эгаллаганлиги аниқланади.

Чақалоқларнинг 3 ойлик даврида бачадон начаси ампула қисмининг девори олдинги ёзиб кўрсатилган иккала қисм девори тузилишидан фарқ қилиши сақланиб қолган. Бу қисмда шиллик парда ва ундаги сүргичлари кучли ривожланганлиги, мушак қавати анча юпқалиги, сероз пардаси шишли шаклланмаган бириттирувчи тўқимадан иборатлиги аниқланади (8-расм). Шиллик пардасидаги сүргичлар яна ҳам узунлашган, кўпроқ тармоқланган. Сүргичлар юзаси бир қаватли, жуда гиперхромли цилиндрик эпителийдан иборатлиги аниқланади. Хужайраларнинг ядролари йириклигича қолган ва гиперхромли бўлганлигидан, умумий ҳолда сүргичлар юзасидаги қоплама тўқ сиёҳ рангга бўялганлиги ва уларнинг кам такомил топганлигини тасдиқлади. Сүргичлар стромаси олдинги қисмлардан фарқ қилиб, нисбатан юпқа, силлик мушак хужайралар тутамларидан ва уларнинг орасида шаклланмаган бириттирувчи тўқима тутамлари пайдо бўлганлиги аниқланади. Найи ампула қисми деворининг мушак қатлами ўрта қисмидан фарқли ўлароқ, анча юпқалиги, силлик мушак тутамлари ингичкалиги ва асосан нача деворида айлана йўналишда жойлашганлиги аниқланади. Бачадон начаси девори мушак қавати ампула қисмida бошқа қисмларга нисбатан қон томирларга бойлиги сақланиб қолади. Найча девори ташки сероз пардасида нисбатан йирик қон томирлар ўрин эгаллаганлиги тасдиқланади.

	
<p>7-расм. 3 ойлик давр, бачадон найи истмик қисми. Шиллик парда сүргичлари яхши такомил топмаган призматик ва цилиндрик эпителий билан қопланган, стромаси шаклланмаган тўқимадан иборат. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x100.</p>	<p>8-расм. 3 ойлик давр, бачадон найи ампула қисми. Шиллик парда сүргичлари яна ҳам кучли тармоқланган, қопловчи эпителийси гиперхромлигича қолган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.</p>

Хулоса

Демак, бир ойлик қиз чақалоқлар бачадон начаси бачадонга туташган қисмининг девори кам такомил топган хужайралардан иборат мушак қавати ҳисобига қалин, ички бўшлиғи тор, унда сүргичлари кам ва калта, юзаси яхши шаклланмаган гиперхромли, призматик шаклдаги эпителий билан қопланганлиги аниқланади. Найчанинг ўрта истмик қисми девори нисбатан юпқароқ мушак қавати бетартиб жойлашган тутамлардан иборат, қопловчи эпителийси цилиндриксимон хужайралардан ташкил топганлиги ва улар бевосита мушак тутамларида жойлашганлиги кузатилади. Найчанинг ампула қисми девори нисбатан яна ҳам юпқа, мушак қавати бир қатор мушак тутамларидан иборат, қон томирга бой тузилиша эгалиги, шиллик пардасида нисбатан узун сүргичлар мавжудлиги, қопловчи эпителийси кам такомил топган, гиперхромли, бетартиб жойлашган бир қаватли цилиндрик эпителийдан иборатлиги аниқланади.

Чақалоқларнинг 3 ойлик даврига келиб бачадон найи бачадонга туташган қисми бироз кенгаяди, сўрғичлари узунлашади ва тармоқланади, мушак қаватида силлиқ мушак хужайралари алоҳида тутамлар пайдо қиласди. Найнинг истмик қисмидаги шиллиқ парда сўрғичлари яна ҳам узунлашиб, тармоқланганлиги, лекин эпителийси гиперхромлигига колганлиги, мушак қавати нисбатан сийраклашиб, мушак тутамлари пайдо бўлганлиги кузатилади. Ампула қисмидаги шиллиқ парда сўрғичлари ҳам узунлашиб, ҳам зичлашиб, қопловчи эпителийси гиперхромлашиб, стромаси юпқалашганлиги, мушак қавати сийраклашиб, мушак тутамлари орасида вакуоллашган ўчоқлар пайдо бўлганлиги аниқланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахтемійчук Ю.Т. Топографоанатомическая характеристика маточных труб у плодов в период онтогенеза / Ю.Т. Ахтемійчук, Т.В. П'ятницька // Клін. анатомія та опер. Хірургія. 2010;9(3):82-85.
2. Ахтемійчук Ю.Т. Гистотопография маточных труб у плодов / Ю.Т. Ахтемійчук, Т.В. П'ятницька // Клін. анатомія та опер. Хірургія. 2010;9(4):50-54.
3. Козуб М.М. Розвиток і становлення мезонефричних та парамезонефричних проток в ранньому онтогенезі людини / М.М. Козуб, В.В. Кривецький // Бук. мед. вісник. 2001;5(1):88-90.
4. Мавров Г.И. Гистопатология маточных труб у больных с хламидийной инфекцией / Г.И. Мавров, Т.А. Мальцев // Ж. АМН України. 2003;9(1):185-193.
5. Резвяков П.Н. Фенотип гладкомышечных клеток репродуктивной системы плода человека женского пола в эмбриогенезе / П.Н. Резвяков // Морфологические ведомости. 2004;1-2:86.
6. Силина Т.Н. Морфологические параметры маточных труб в возрастном аспекте / Т.Н. Силина // Укр. мед. альм. 2004;7(3):114-115.
7. Kamaci M. Observation of isthmic epithelial cells from fallopian tubes at follicular phase by light and scanning electron microscope / M. Kamaci, Z. Suludere, K. Irmak, C. Can, H. Bayan // Eastern Journal of Medicine. 1999;4(2):51-53.
8. Бақоева Ф. Морфометрические показатели структурных единиц маточных труб у девочек в постнатальном периоде // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). 2024;1(2):17-22.
9. Maksudovna B.F. морфометрические показатели структурных единиц маточных трубу девочек в постнатальном периоде // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. 2024;4(12):236-241.

Қабул қилинган сана 20.08.2025

